

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2019 йил
30 октябрь
ЧОРШАНБА
№ 87 (13244)

@haqiqatonline



Нурафшон форуми:

ЯНГИ ИМКОНИЯТ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЧОРРАҲАСИ

Анжуманда вилоят ҳудуди салоҳияти хусусида батафсил маълумот берилди. Форумнинг биринчи иш кунинда Нурафшон шаҳридаги "Ёшлар маркази"да Россия Федерациясининг Новосибирск шаҳридаги 2 та олий таълим муассасаси – Новосибирск давлат педагогика университети ва Новосибирск давлат техника университети ҳамда Исмоил Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Олмалик филиали профессор-ўқи-

тувчилари ва талабалари иштирокида учрашув ўтказилди. Куннинг иккинчи ярмида Бўстонлиқ туманида ташкил этилган тақдиротларда эса хорижий сармоядорлар билан қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш, туризмнинг турли соҳалари, тиббиёт ва бошқа қатор йўналишларда муҳим келишувларга эришилди. Ниҳоятда сермахсул ўтган форум доирасида хорижий сармоядорлар билан умумий қиймати 1 миллиард доллардан ортиқ 30 дан зиёд йирик



Аввал хабар берганимиздек, вилоятимиз маркази – Нурафшон шаҳрида икки кунлик "Invest in Tashkent Region" халқаро инвестицион форуми бўлиб ўтди. Унда 40 дан ортиқ давлатлардан 350 дан зиёд сиёсатчилар, дипломатик корпус вакиллари, халқаро ташкилотлар аъзолари, ишбилармон ва тадбиркорлар иштирок этишди.



лойиҳаларни рўёбга чиқариш бўйича шартномалар имзоланди. Бу вилоятимиз учун жуда катта ютуқ, дегани.

Рашид ГАЛИЕВ ва Нозим АБДУЛЛА олган суратлар

XALQARO MATBUOT MARKAZI TOSHKENT VILOYATI BO'LIMI

БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАР МУСТАҲКАМЛАНДИ

Хабарингиз бор, шу йилнинг 22 декабрь кунин Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар бўлиб ўтади. Маълумотларга қараганда, ушбу сайловларни бевоқиф кузатиб бориш учун чет элдан 600 нафарга яқин кузатувчи келиши кутилмоқда. Мазкур муҳим сиёсий жараёнга пухта ҳозирлик кўриш, сайловни қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этган ҳолда, халқаро миқёсда тан олинган меъёрлар бўйича юқори савияда ўтказиш олдимизда турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Шу муносабат билан Нурафшон шаҳридаги "Ёшлар маркази"да вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси раҳбарлари ва аъзолари учун икки кунлик ўқув-амалий семинар ташкил этилди.

Мамлакатимизда сайлов тизимини такомиллаштириш, сайловларни белгиланган талабларга жавоб берадиган тенглик ва очиқ-ошкоралик тамойиллари асосида ўтказиш борасида кўламли ишлар олиб боришда. Жумладан, Сайлов кодексининг қабул қилинганлиги бу борада ишларни бажаришда дастуриламал бўлмоқда. Яъни, бу йилги сайловга тайёргарлик жа-

раёнлари мазкур кодексда белгиланган талаблар бўйича амалга ошириляпти.

Маълумки, 2019 йил 26 июнь кунин Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси тасдиқланди. Ушбу кодекс аввалги бешта қонун, йигирмага яқин низом, йўриқномаларни бирлаштириб, яхлит тизимга келтирилган ягона ҳужжатлиги билан аҳамиятлидир.

Семинар-тренингда маҳалла мутахассислар томонидан иштирокчиларга Сайлов кодексининг бугунги кундаги аҳамияти, унинг мазмун-моҳияти ҳақида тушунчалар берилди.

Давоми 2-бетда ➡



Нозим АБДУЛЛА олган сурат

САЙЛОВГА ОИД САВОЛИНГИЗ БОРМИ?

Халқимиз ҳаётида катта воқеа – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловлар кунин тобора яқинлашмоқда. Шу йилнинг 22 декабрь кунин бўлиб ўтадиган сайловлардаги фаоллигимиз кўп жиҳатдан келгусидаги ҳаётимиз қандай бўлишини белгилаб беради.



2

Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар

Мукофот муборак!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари кунин муносабати билан бир гуруҳ ходимларини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони-га мувофиқ, мамлакатимизда жамоат ҳафсизлигини таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш, жиноятчиликка қарши курашиш тизимини такомиллаштириш борасидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, хизмат бурчини бажаришда кўрсатган мардлик ва жасорати, шунингдек, ёш авлод-ни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун бир қанча соҳа ходимлари давлатимизнинг орден ва медаллари билан мукофотландилар.

Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор.
"Жасорат" медали билан **Пайзбеков Рамил Раҳимбаевич** – Ички ишлар бош бошқармаси патруль-пост хизмати отряди сафдор ходими
Усманбаев Медет Мухтарович – Ички ишлар бош бошқармаси патруль-пост хизмати отряди сафдор ходими

«ОҚ ОЛТИН» ЗАРГАРЛАРИ



Шу кунларда вилоятимиз деҳқонларининг машаққатли меҳнати ва катта сарфу харажатлар эвазига етиштирилган пахта ҳосилининг йиғим-терим мавсуми якуний босқичга келиб қолди.

Хушхабар



Жорий йилда вилоятимиз пахтакорлари 73 минг гектарда ўзанинг серҳосил, маҳаллий иқлимга мос навларини парваришлаб, мўл ҳосил етиштирилди.

Айни пайтда пахта далаларида жараён қизгин. Жумладан, 750 дан ортиқ терим отрядларига бириктирилган 170 мингдан зиёд теримчи, 50 дан ортиқ пахта териш машиналари, 6 та агрокластер мажмуасидан иборат жамоа 219 минг 600 тонналик улкан хирмон сари тобора яқинлашмоқда. Хар кунин фермер ҳўжаликлари ва кластерлардан хушхабарлар келиб турибди.

Кунин кеча Чиноз ва Қуйичирчиқ туманлари пахтакорлари 2019 йил ҳосили бўйича белгиланган шартномавий режани ортиги билан бажариб, улкан хирмон уйдилар. Чиноз тумани пахтакорлари 18 минг 600 тоннадан

ошириб, Қуйичирчиқ тумани деҳқонлари эса 27 минг тоннадан зиёд хирмон кўтардилар. Бундай галабага етиб келиш учун катта меҳнат сарфланди.

Бу ютуқ, ҳеч шубҳасиз, юк-

сак даражадаги мардлик ва жасорат намунасидир. Вилоят бўйича пахта терими қизгин давом этаётган айни шу кунларда бу ютуқ бошқа туманлардаги пахтакорларимизга, фермер ва агроклас-

тер раҳбарларига янада кўтаринкилик бағишлайди, кучларига куч, ғайратларига ғайрат қўшади.

Давоми 2-бетда ➡
Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар

Кўзгудаги ўзимиз

ТИЛГА ҲУРМАТ – МИЛЛАТГА САДОҚАТ, ВАТАНГА МУҲАББАТ



Ижтимоий қонунларнинг ҳам, табиат қонунларининг ҳам пировард натижаси маълум турдаги самарадорлик. Чунинчи, маълум бир турдаги ҳосилни олиш учун сара-

ланган уруғ ишлов берилган ерга қадалса, ривожланиш қонуниятларига уйғун равишда ўз вақтида парвариш қилинса, албатта, кўп ҳосил – самара олинади. Лекин, бу

жараённинг бирор босқичида табиий қонуниятлардан атиги бири бузилса, унга риоя этилмаса, қилинган барча меҳнат барбод бўлади. Табиат қонунлари учун бу ҳам-

мага тушунарли, лекин ижтимоий қонунлар оқибатларини кўриш анча мураккаб, бунинг учун жуда кўп ҳолларда узоқ йиллар керак...

Ўзлигимизни англашда

қутлуғ қадамлардан бири бўлган ва қабул қилинганга ўттиз йил тўлган "Давлат тили ҳақида"ги Қонуннинг шу даврда берган улкан натижаларини тафаккур чигиригидан ўтказсак, уларни бемалол асрларга татигулик ютуқлар, деб айтишимиз мумкин. Дарҳақиқат, бу Қонун миллимиз кўрки, маънавий-маданий хазинаси бўлган она тилимизни нафақат ҳақорат ботқоқидан, "ўчоқ боши алоқа воситаси"-дан БМТ минбаридан жа-

ранглайдиган, унда битилган Давлат мадҳияси юзлаб хорижий давлатларнинг расмий маросимларида янграйдиган, интернет веб-сайтларини безайдиган тил даражасига кўтарди, балки унга ривожланган давлатларнинг мутахассислари ўз ихтиёрлари билан қизиқиб, бир нарсани ўрганиш, ниманидир олиб, ўзлари учун фойда келтириш мақсадларида ўрганадиган мавқе ҳам бағишлади.

Давоми 4-бетда ➡

Нурафшон форуми:

Жумладан, Жанубий Кореянинг "Dongil construction" компанияси лойиҳа қиймати 400

Бошлонини 1-бетда



Семинар

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Хотин-қизлар кўмитаси, "Нуруний" жамғармаси, "Маънавият ва маърифат" маркази, Ёшлар иттифоқи, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ҳамкорлигида "Оила ва маҳаллаларда маънавий-маърифий тадбирларни тизимли ташкил этишда жамоат ва давлат ташкилотлари ҳамкорлиги" мавзусида видеоселектор тарзидаги ўқув-семинар ўтказилди.

ҲАМКОРЛИКДА ҲИҚМАТ БОР

Семинарда оилалар ва маҳаллаларда маънавий-маърифий тадбирларни тизимли ташкил қилиш, ташкилотлар ўртасида бир-бирини тўлдирадиган, самарали ҳамкорликни жорий этиш ҳамда бу борада белгиланган вазифалар кенг муҳокама этилди.

Афсуски, ҳозирги кунда айрим оилаларда меҳроқибат, ҳамжихатлик йўқлиги, муносабатларга манфаат, таъма аралашмоқда, дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Ангрен шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Отабек Аноров. Ачинарлиси, ўз боласининг тарбиясига лоқайд ота-оналар ҳам кўпайиб, оилаларда отанинг ўрни сусайиб бораёпти. Оқибатда оилавий ажралишлар, жиноятлар ва мулкий можароларда оталарнинг сўзи ўтмай, ижтимоий-маънавий муҳитда парокандалик юзага келмоқда. Бундай вазиятда, маҳаллаларда жиноятчиликнинг олдини олиш ва соғлом муҳитни шакллантиришда жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик орқали қўлланган натижаларга эришиш мумкин.

Видеоселекторда оилалар ҳамда маҳаллаларда соғлом муносабатлар муҳитига салбий таъсир кўрсатётган иллатларнинг олдини олишга қаратилган қўшма Мурожаат қабул қилинди.

Тан олиш керак, бугун айрим йигит-қизларимиз мустақил ҳаётга тайёрланмай турмуш қуришяпти. Бунинг оқибатида ахирлар сони ортиб бораёпти. Бундан ташқари, тўй-ҳашам, маросимларимизда бемаъни оро-ҳаваслар, ортиқча расм-русумлар, дабдабазорлик, бегона "урф-одатлар"га кўр-кўрона эргашилляпти. Бундай иллатларга барҳам бериш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Шунингдек, видеоселектор йиғилишида маҳаллаларда маънавий-маърифий тадбирларни тизимли ташкил этиш бўйича жамоат ташкилотларининг 2019 йил ноябрь-декабрь ойларига мўлжалланган етти бўлимдан иборат ҳамкорлик дас-тури тасдиқланди.

Зухриддин ҚАМБАРОВ

ЯНГИ ИМКОНИЯТ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЧОРРАҲАСИ

миллион АҚШ долларини ташкил этувчи замонавий шаҳарча барпо этмоқчи. Шунингдек, Хитойнинг "Phoenix international

wisdom technology investmen" компанияси эса мамлакатимиздаги илк "Ақлли шаҳар" – "Smart City"ни қуришга йирик сармоя ажратадиган бўлди. Бундан ташқари, Эрон, Филиппин, Туркия, Германия, Россия каби қатор давлатлар сармоядорлари билан ҳам қишлоқ ҳўжалиги, тиббиёт, логистика каби қатор йўналиш-



ларда фойдали келишувларга эришилди.

Форумнинг иккинчи куни янада самарали ва қизиқарли учрашувларга бой бўлди. Иштирокчилар вилаетимизнинг Оҳангарон ва Ангрен шаҳарларидаги бир қатор саноат объектларига ташриф буюришди. Жумладан, қатнашчилар керамик гишт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "Building Innovation" МЧЖ корхонаси, "Agro Sammix" МЧЖ, "Ideal Plast Manufactory" корхоналари фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Шу билан икки кунлик халқаро инвестицион форум ўз ишини якуналади.

Ўз мухбиримиз Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар

Маълумки, муҳтарам Юртбошимизнинг қишлоқ ҳўжалиги соҳасида етилиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш бўйича кўрсатмалари асосида соҳада янгича бошқарув тизими жорий этилди. Шахсан давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан жорий йилда вилаетимизда агроклас-терларга катта ишонч билдирилди. Ҳар икки туман меҳнатқашлар томонидан эришилган ютуқларнинг бош манбаи, шак-шубҳасиз, агрокластер жамоасининг чуқур илмий асосланган ҳолда

тайёр маҳсулотга айлантириш бўйича катта ҳажмли ишлар ҳали олдинда.

Ўз навбатида, Чиноз ва Қуйичирчиқ тумани мутасаддилари деҳқонлар билан ҳамжихатликда ишлаб, етилган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишда алоҳида жонбозлик кўрсатганларини эътироф этиш лозим.

Ҳали далаларда мўл ҳосил чапар уриб очилиб турибди. Галдаги вазифа бўлиқ ҳосилни ёғинарчилик кунларга қолдирмай, умумхирмонга қўшишдир.

«ОҚ ОЛТИН» ЗАРГАРЛАРИ



ғўза парваришини амалга оширгани, десак тўғри бўлади.

Хусусан, иккала туманнинг шартномавий режани бажаришда ҳам агрокластерларнинг ўрни катта бўлди. Чиноз туманида "Textile technologies group" МЧЖ томонидан 6 минг 201 гектар майдонда, Қуйичирчиқ туманида "TCT cluster" МЧЖ томонидан 8 минг 540 гектар майдонда пахта етиштирилди.

Айтиш жоизки, бундан кейин ҳам агрокластерлар билан фаол ҳамкорлик давом этади. Яъни, етиштирилган ҳосилни тозалаш, қайта ишлаш, тайёр ёки ярим

Сўнгги маълумотларга кўра, мавсум бошидан пешкадамлар сафида келаятган ўртачирчиқ, Пискент, Юқоричирчиқ ва Оққўрган туманлари пахтакорлари ҳам аниқ пайтда шартномавий режанинг марра чизигига жуда яқин туришибди.

Вилаетимиз бўйича эса пахта сотиш шартномавий режасининг қарийб 94 фоизи бажарилди.

К. САЛОМОВА,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири

– Бу йилги сайловларга халқимиз эътибори ва муносабати биздан жараёнга жиддий ёндашишимиз кераклигини тақозо қилмоқда, – дейди вилает сайлов комиссияси аъзоси Дилмурод Аҳмеджонов. – Бугунги семинарда қонун билан белгиланган вақолат ва мажбуриятларимиз ҳақидаги кўникмаларимизни яна бир бора мустаҳкамлаб ол-

Бошлонини 1-бетда

БИЛИМ ВА КўНИКМАЛАР МУСТАҲКАМЛАНДИ

дик. Ўқув жараёнида олган билимларимизни, албатта, фаолиятимизда қўллаймиз. Семинар давомида тингловчиларни зериктирмаслик ва уларнинг фаоллигини ошириш мақсадида "Ақлий ҳўжум" ва бошқа услубий

методлардан фойдаланилди.

Тадбир якунида йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга артоқлича жавоб олишди.

Халқаро Матбуот маркази Тошкент вилаети бўлими

Айни вақтда янги Сайлов кодекс-и асосида вилаетимизда ҳам сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёни қизгин давом этмоқда. Бу жараёнларни диққат билан кузатиб бораётган газетхонларимиздан таҳририятимизга сайлов

қонунчилигига оид турли саволлар келиб турибди. Биз уларни жамлаб, Халқаро Матбуот маркази Тошкент вилаети бўлимига юбордик ва бу сафар вилает сайлов комиссияси раиси ўринбосари Сирожиiddин Бобоқулдовдан жавоблар олдик.

САЙЛОВГА ОИД САВОЛИНГИЗ БОРМИ?

Эркин МУРОДОВ,
Олмалиқ шаҳри:

– Сайловлар адолатли ўтиши кўп жихатдан Марказий сайлов комиссияси аъзоларига ҳам боглиқ, деб ўйлайман. Айтинчи, уларга қандай талаблар қўйилади ва дахлсизлиги қай даражада қафолатланади?

– Аввалги қонунчиликда Марказий сайлов комиссияси аъзоларининг дахлсизлигига беш йил ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб турган фуқаро Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин. Оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун судланганлик

си депутатларига, Сенат аъзоларига нисбатан қўлланиладиган дахлсизлик тўғрисидаги қоидалар тадбиқ этилади. Йигирма беш ёшга тўлган, қоида тариқасида, олий маълумотга, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш борасида иш тажрибасига эга бўлган, жамоатчилик ўртасида обрў-эътибор қозongan ҳамда камида охириги беш йил ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб турган фуқаро Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин. Оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун судланганлик

ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучларининг ҳарбий хизматчилари, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ва бошқа ҳарбий-лаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари, диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас. Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси бошқа сайлов комиссиясининг ёки сиёсий партиянинг аъзоси бўла олмайди.

Зилола КАРИМОВА,
Янгийўл тумани:

– Иш-юзасидан тез-тез хориж сафарларида бўлман. Шу боис, сайлов кунини мамлакатимизда бўлмаслигим мумкин. Агар муддатидан олдин овоз беришимга тўғри келса, нима қилишим керак?

– Бунинг учун тегишли участка сайлов комиссиясига сайлов кунини бўла олмаслигининг сабабларини (таътил, хизмат сафари, хорижга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатган ҳолда ариза билан мурожаат қилишингиз шарт. Шундан сўнг сизга сайлов бюллетени берилади. Фақат ўз вақтида мурожаат қилишингиз талаб этилади. Маълумот учун ёдингизда сақлаб қолинг: муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганда бошланиб, уч кун қолганда тугатилади.

Маъмура ҚОСИМХўЖАЕВА,
Юқоричирчиқ тумани:

– Шу кўнларда ижтимоий тармоқларда сайлов натижалари ҳақида жамоатчилик фикри сўровлари ўтказилмоқда. Мен ҳам бу борада интернетдаги саҳифаларим орқали сўровлар олиб борадиган бўлсам, қандайдир муддатларга амал қилишим керакми?

– Албатта, муддатлар белгиланган. Демак, сиз бундай фаолиятни сайловлардан бир кун олдин тўхтатишингизга тўғри келади. Чунки, Сайлов кодексининг 103-моддасига кўра, Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Шунинг учун сайлов кунини ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини, ўтказилаётган сайлов билан боглиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилиш (ҳаммага маълум қилиш), шу жумладан, ахборот тармоқларига, шунингдек, Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштириш тақиқланади.

Кичик бизнес

Бугунги тараққиёт даврида бирон бир янгилик билан одамларни хайратлантириш кийин, албатта. Лекин, шундай касб эгалари борки, улар ўзларининг оддий кўл меҳнатлари билан чинакам мўъжиза яратадилар. Уларни халқимиз ҳунарманд, деб алқайди.

ХАРИДОР СИФАТЛИСINI ТАНЛАЙДИ



Таъбир жоиз бўлса, чирчиқлик уста Нурилла Ҳасанов ҳам ана шундайлар тоифасидан. Мана, қарийб ўттиз йилдирки, устанинг оддий ёғочдан ясаган эшик, ром ва бошқа жиҳозлари уй-жойларни безаб, уларнинг соҳибларига хизмат қилиб келмоқда.

– Ҳар қандай замонда ҳам табиий маҳсулотдан ясалган эшик-ромларга бўлган талаб пасаймаган, – дейди Нурилла Ҳасанов.

– Сўнгги пайтда мижозлардан қайрағоч, ўрик, чинор, қайин дарахтлари хом ашёсидан миллий дизайн асосида тайёрланган маҳсулотларга бўлган буюртмалар ортиб бормоқда.

Албатта, дурадгор-усталар, улар томонидан ясалётган қурилиш маҳсулотлари кўп. Лекин, харидор сифатлисини танлайди. Шунинг учун ҳам Нурилла Ҳасанов, аввало, ўзи, қолаверса, барча шогирдлари-

дан аниқ ҳисоб-китоб билан пухта ишлашни талаб қилади. Бир сўз билан айтганда, улар учун сифат биринчи ўриндаги масала. Шу боис, бугунги кунда у раҳбарлик қилаётган устахонага нафақат шахсий уй-жой эгалари, балки янги бунёд этилаётган богча, мактаб, меҳмонхона ва бошқа ижтимоий объектлардан ҳам буюртмалар тушаяпти.

Дарвоқе, қўли гул уста "Хунарманд" уюшмасининг аъзоси сифатида "устоз-шогирд" аъёнаси асосида ёшларга дурадгорлиқнинг сир-асрорларини ҳам ўргатиб келмоқда. Айни пайтда бу ерда 10 нафардан ортиқ маҳаллий ёшлар сабоқ олмоқда.

Юлдузхон
ФАЗЛИДИНОВА
Аброр ЭСОНОВА
олган сурат

БЕШ ТАШАББУС ЖАМ БўЛСА...

Бекобод тумани, Зафар шаҳарчаси марказида жойлашган "Баркамол авлод" болалар маркази ҳаммаш ўқувчилар билан гавжум. Боиси, бу маънавият масканида ёшларнинг

бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббус доирасида 22 нафар мураббий 640 нафар ўқувчиларни турли тўғарақларга жалб қилишган.



Жумладан, ёш китобхон, расомчилик, либослар дизайни, рақс, компьютер саводхонлиги, моҳир кўллар, ментал арифметика каби тўғарақлар фаолиятдан ота-оналар мамнун.

– Марказимиз қошида ташкил этилган тўғарақ машғулотларига болалар катта қизиқиш билан қатнашмоқда, – дейди марказ директори, "Шўҳрат" медали соҳиббаси Зоҳида Сувонова. – Айниқса, компьютер ва интернетдан самарали фойдаланишни ўрганишни хоҳловчилар кўпчиликни ташкил этади.

Тўғарақ раҳбари Машхура Ханбобоевнинг ҳар бир болага алоҳида ёндашиши уларнинг қизиқишини янада орттирмоқда.

Султонбой ДЕҲҚОНОВ
олган сурат

Бугун замон шиддат билан ўзгарапти, ахборот асрида яшаймиз, деган гапларни тез-тез эшитаямиз. Лекин, айрим сабабларга кўра, шиддат билан ўзгараётган замоннинг талабларию ахборот мадонининг қонуниятлари амалда ишлямапти. Шу сабабли, айни вақтда бирор бир тахририят бу йилги обуна мавсумида газетасининг адади қанча бўлишини тахмин ҳам қила олмаса керак.

Шоҳида эмас, баргида...

Очилини айтганда, бу йилги обуна мавсуми ҳам осон кечмайди. Бунда обуна уюштирувчи ташкилотларнинг катта айби бор. Муаммолар жиддий таҳлил қилиб кўрилса, асосий гап муштарийлар газеталарни ўз вақтида ололмаётганига бориб тақалади.

Ҳар йили обуна мавсумида обуна уюштирувчи ваъдабоз ташкилотлар кўпайиб кетади. Шартнома тузилгунча қоплаб ваъда беришади. "Бу йил ҳеч қандай муаммо бўлмайди, газетани ўз вақтида етказиб берамиз, пулини ҳам кечиктирмай тўлаймиз", деган ваъдалар билан тахририят оstonасига етиб олишади. Иш битганда... Ҳатто кўнгирикларга ҳам жавоб беришмайди. Оқибатда муштарийлар тахририятларга кўнгирик қилиб, "Обуна бўлгандик, лекин газетангиз жуда кеч келаяпти", деб эътироз билдиришади. Бу эса ўша газетанинг зарарига хизмат қилаверади.

Шу ўринда сўзимизни исботи билан давом эттирганимиз маъқул. Бундан бир неча йил олдин обуна уюштирувчи ташкилотлар сафига "Матбуот сервис" МЧЖ қўшилди. Бош офиси пойтахтимизда жойлашган мазкур ташкилот "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари тахририяти билан ўтган йили шартнома тузганди. Ўша вақтда бу ташкилот тахририят олдидаги мажбуриятини ўз вақтида бажармагани учун шартнома тузишни рад этгандик. Ташкилот раҳбари Суҳроб Ражабовнинг турли ваҳдани келтириб, жорий йилда ҳеч қандай муаммо бўлмаслигига бизни ишонтирганди.

Тўғри, С. Ражабов аввалда шарт

Ажаб савдолар

олдида ҳам қарздор. Лекин, юзага келган қарздорлик обуначиларга қайтариб бериладими? Бордию, қарздорлик қайтарилмаса, бу ҳолатда газетхон тахририятни айбламайди, деб ким қарор беради? Саволларга аниқ, асосланган жавобларни эса мазкур ташкилот фаолиятини ҳуқуқ-тартибот органларининг текширувларидан сўнг олишимиз мумкин...

Қани энди, ташвишимиз шу

тиши мумкин. Тўғри, матбуот ҳар қандай шароитда ҳам одамларнинг оғирини енгиллаштиришга хизмат қиладиган мақолаларни чоп этиб беравериши шарт. Лекин, мақолани факт ва далиллар билан ҳолис ва ҳаққоний ёздириган, мавзунини чуқур таҳлил қилиб, унга ечим ва таклифларни ҳам кўрсатиб берадиган катта таҳрибага эга журналистларни тахририятларда ушлаб туриш ҳам осон эмас.

Тасаввур қилинг, аҳоли ўзи севган газетасига обуна бўлди. Лекин,

Афсуски, бундай ҳолат, газетанинг ўз обуначилари олдида бўлиши йўқолиши, қадри тушишига олиб келади. Ахир, оз сонли газетхон нашрни ўз вақтида олмаса, боз устига уни варақлаб кўриб, ҳафсаласи пир бўлса, ортиқ уни ўқимай қўяди.

Айни пайтда газеталарнинг иқтисодий таназзули сабаб ижтимоий тармоқларда турли ахборотлар кўпайиб бормоқда. Фойдаланувчилар асосан энг кўп "коммент" қолдирилган хабарларни ўқийшади.

Газета ҳеч қачон ўлмайди!

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда матбуот ва сўз эркинлигини таъминламасдан туриб, ислохотларни амалга ошириш мумкин эмаслигини дадил таъкидлаб, матбуотни амалда тўртинчи ҳокимият даражасига кўтариш вазифасини қўймоқда.

Бирок, одамларни қийнаётган муаммонинг ортидан юриб, ислохотлар йўлига тўғаноқ бўлаётган айрим раҳбарларнинг фаолияти ҳақида аниқ далилларни тўплаб ёзилган мақолалар эътибордан четда қолиб кетаяпти. Яна ўша сабаб!

Бу сабаб билан айрим раҳбарлар ўзини оқлаши ҳам нотўғри. Чунки, обуна бўлган газетасининг ўз вақтида келишини назорат қилиши керак. Бунга фақат тахририятнинг муаммоси деб қараш, ўринли эмас. Ахир, обуна учун ташкилот ҳисобидан маблағ ўтказаятган раҳбар нега энди истеъмолчи сифатида муддати ўтган маҳсулотни олиши керак? Нега бу борада ҳуқуқларини талаб қилмайди? Бундай бепарволик оқибатида жуда кўплай ўткир муаммолар келиб чиқаётганлигини наҳотки сезишмаётган бўлишса?

Бундай шароитда айрим журналистларимиз, ҳатто ҳаваскорлар бугун блогерлик қилишни маъқул кўришапти. Жамоатчиликка қўндалик турмушида зарур бўлган сиёсий ва ижтимоий ахборотларни тезкорликда етказиб беришмоқда. Шу билан бир қаторда, катта даромад ҳам олишапти. Масалан, YouTube-каналда 100 мингдан ошқ обуначига эга блогерлар видеороликлари 100 минг мартадан ортиқ томоша қилинса, яхшигина даромад олиши мумкин.

Газета ҳолислик ва ҳаққонийлик тамойиллари асосида ахборот тарқатар экан, демак, у ўз вақтида муштарийларга етиб бориши шарт. Обуна уюштириш билан шуғулланувчи ташкилотларнинг асосий даромади газета тарқатиш билан боғлиқ экан, улар ўз пулини ҳалоллаб топиши ҳақида ҳам ўйлашлари керак.

Абдусалим МАҲМУДОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири

Қасаба уюшмалари ва давр



ХАВФСИЗ МЕҲНАТ – САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда ҳар йили 300 миллиондан зиёд бахтсиз ҳодиса, 160 миллион касб касаллиги рўйхатга олинади. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ ва касб касалликлари сабабли эса 2 млн. 700 минг инсон ҳалок бўлмоқда. Яъни, бу ҳар кунни ўртача 6 минг 500 нафар одам ҳаётдан кўз юмаётганини кўрсатади. Бундан ташқари, жароҳатланишлар оқибатида ҳодимларнинг учдан бир қисми тўрт иш кунидан иш жойида бўлмаслиги билан иқтисодиётга зарар келтирмоқда.

Бу ҳақда вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши таъаббус билан ўртачирчиқ тумани тиббиёт бирлашмасида ўтказилган "Хавфсизлик, саломатлик ва келажакдаги меҳнат" мавзусидаги семинарда маълум қилинди. "Меҳнат муҳофазаси ойлиги" доирасида ташкил этилган семинарда ўртачирчиқ тумани ва Нурафшон тиббиёт бирлашмаси тизимидagi муассасаларнинг қасаба уюшмаси кўмитаси раислари ҳамда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда сўнгги йилларда мамлакатимизда ташкилот ва корхоналарда ҳамда таълим ва тиббиёт муассасаларида ҳодимнинг меҳнат шароитини яхшилаш, уларнинг хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳамда бу борада тизимли ишлар олиб борилаётгани таъкидланди.

– Бугунги глобаллашув

даври олдимизда янги вазифаларни қўйётган бир пайтда, биз ишлаб чиқариш жараёнида соғлом муҳитни яратган ҳолда, инсонларни хавфсиз шароитларда меҳнат қилишига эришишни мақсад қилганмиз, – дейди вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим mudри Собир Эрбўтаев. – Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, хавфсизлик маданиятининг юқори даражада бўлиши ҳодимга ҳам, иш берувчига ҳам бирдек наф келтиради. Лекин, ҳодимларнинг билим даражаси етишмаслиги, меҳнатнинг хавфсиз усул ва услубларига ўқитилмаганлиги, хавфли моддалар билан нотўғри мулоқот қилганлиги бахтсиз ҳодисаларнинг кўпайишига олиб келмоқда.

Семинар давомида Тошкент вилоти Бандлик бош бошқармасининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича давлат инспектори ўқтам Ўсаров, вилоти Тиббиёт-ижтимоий экспертиза инспек

цияси шифокори Мадина Ражапова, "Ўзагросуртга" Давлат акционерлик сугурта компанияси вилоят дирекцияси масъул ходими Малоҳат Бекановалар "Ишлаб чиқариш жараёнида бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари олдидан олиш", "Меҳнатда жабрланган ҳодимларга ногиронлиқни белгилаш тартиби", "Ҳодимларнинг ҳаётини сугурта қилиш ҳамда ишлаб чиқаришда жабрланган ҳодимлар учун сугурта тўловларини ундириш тартиби" мавзуларида маъруза қилишди.

Жонли мулоқот тарзида ўтган семинар якунида йилгиланган ўзларини қизиқтирган саволларга малакали мутахассислар томонидан атрофлича жавоб олишди.

Маълумот ўрнида, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Нурафшон, Олмалик шаҳарлари, Янгийўл, Қибрай, Пискент туманларида фаолият юритаётган ташкилот, корхона ва муассасаларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича масъул ҳодимлари ҳамда бошланғич ташкилотлар раислари иштирокида амалий семинар ташкил этилди. Бундай семинарлар йил охирига қадар барча шаҳар, туманларда ҳам ўтказилиши кўзда тутилган.

Зухриддин ҚАМБАРОВ
Аброр ЭСОНОВ
олган суратлар

ҲИСОБЛАГИЧЛАРНИ ҚИЁСЛАШДАН ЎТКАЗИШ ДАВРИ 8 ЙИЛГА УЗАЙТИРИЛДИ

Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармасида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августдаги "Юридик ва жисмоний шахсларнинг электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналарини (ҳисоблагичларни) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорининг мазмун-моҳиятини ижрочиларга етказиш ҳамда ишларни амалиётда тўғри ташкил этиш бўйича семинар ўтказилди.

Қаҳарингиз борми?

Унда Давлат хизматлари агентлиги, Мажбурий ижро бюроси бошқармалари мутасаддилари, вилоятдаги сифат ва синов сертификатлаштириш марказларининг мутахассислари, электр, газ ва сув (коммунал) ташкилотларининг туман, шаҳар бўлиналари ҳамда давлат хизматлари марказларининг масъул ҳодимлари, "Сувоқова" давлат унитар корхонаси вакиллари иштирок этишди.

Таъкидланганидек, мазкур қарорга кўра, юридик ва жисмоний шахсларнинг электр энергияси, табиий газ, ичимлик ҳамда иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналарини ечиш, қиёслашдан ўтказиш

зиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига мувофиқ, 2019 йилнинг 1 ноябидан бошлаб янги тартиб кучга киради. – Аввалги тартиб бўйича, истеъмолчилар мутахассислар томонидан ечиб олинган ҳисоблагичларни қиёслаш марказларида ўзлари олиб боришар эди, – дейди Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси бошлиги ўринбосари Абдулла Турсунов. – Жорий йилнинг 1 ноябидан бошлаб бу тартиб бутунлай ўзгарди. Истеъмолчилар бевосита Давлат хизматлари агентлигига сўровнома ёки ягона интерактив давлат хизматлари



портални орқали электрон тарзда мувожаат қилиши зарур. Ҳисоблагич ускуналарини ечиб олиш 5 иш кунини, қиёслашдан ўтказиш 3 иш кунини, ўрнатиш 3 иш кунини муддатида амалга оширилади. Ҳисоблагични қиёслашдан ўтказиш давлат хизматини кўрсатганлик учун жисмоний шахслар базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи, бугунги кундаги ҳисоб бўйича 44 минг 600 сўм миқдоридagi тўловни амалга оширадilar. Юридик шахслар эса, базавий тўловнинг 1,5 баробари миқдорда банкдаги тегишли ҳисоб рақамига маблағ ўтказадilar. Ҳисоблагични қиёслашдан ўтказиш назарда тутилмаган ҳолларда ечиш ёки ўрнатиш учун йиғим ундирилмайди.

Қолган барча жараёнлар таъминотчи корхоналар томонидан бажарилади.

Кези келганда шуни айтиш керакки, биринчи ноябрдан ҳисобга олиш ускуналарини қиёслаш даврийлиги ҳам ўзгарди. Эндиликда жисмоний шахслар учун ҳисоблагичларни қиёслашдан ўтказиш даврийлиги 8 йил, юридик шахслар учун 4 йил этиб белгиланди. 2019 йил 1 ноябрга қадар расмийлаштирилган қиёслаш сертификатларининг амал қилиш муддати ўз кучида қолади.

Семинар якунида йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

Ўз мухбири
Аброр ЭСОНОВ олган суратлар

Эълон

"PRIME REALTY" МЧЖда 2019 йил 2 декабрь кунини соат 15.00 да мулкнинг бошланғич баҳосини босқичма-босқич ошириш тартибидa ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига "AXROROV AZIZBEK QORA BOG'I" фермер хўжалигига қарашли Тошкент вилоти, Зангиота тумани, "Назарбек" қишлоғи, Назарбек массиви ҳудудидa жойлашган, бошланғич баҳоси - 13 833 000 сўм бўлган 4,56 Га ер майдонидa жойлашган 2011 йилда экилган, диаметри 7-10 см.дан иборат жами 900 тул олхўри дарахтлари ва 2011 йилда экилган диаметри 2-5 см.дан иборат жами 125 та узум кўчатлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар қўйилмоқда. Мазкур мулк сотилмай қолган тақдирда тақририй аукцион савдолари хар ҳафтанинг душанба кунлари юқорида кўрсатилган соатларда ўтказилади.

Аукцион савдоси Тошкент вилоти, Зангиота тумани, Эшонгузар қўрғони, Мустақиллик кўчаси, 23-уй, туман ҳокимлиги биносидa ўтказилади.

Аукцион савдоси голиби савдо ўтган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида сотувчи

АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

билан олди-сотди шартномасини тузиши ва мулкнинг сотиб олиш баҳосидан ташқари "Савдо ташкилотчиси"га мулк сотув наҳрининг 5 (беш) фоизи миқдоридa комиссия йиғим тўлаши лозим.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 15.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закатал келишувига асосан объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоиздан кам бўлмаган миқдордаги тўловни савдо ташкилотчисининг АТБ "InfibANK"даги 20208000700765990001, МФО: 01041, ИНН: 304844964 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қўйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак:

Аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқладиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жис-

моний шахслардан паспорт нусхаси, закатал пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Хар бир мулкка қўшимча хизматлар кўрсатиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорда тўлов олинади.

ДИҚҚАТ ТУЗАТИШИ!
"PRIME REALTY" МЧЖ ҳамда ТИФ "Ўзмиллийбанк" Тошкент вилоти бўлими билан ҳамкорликда "Очиқ аукцион" савдосига чиқарилган Тошкент вилоти, Оққўрғон тумани, Қаҳрамон массиви, "Қўрғонтепа" маҳалласи, 1-уйда жойлашган, бошланғич баҳоси - 1 010 000 000 сўм бўлган, умумий майдони 2,33 Га, қурилиш майдони 550,16 кв.метрдан иборат "Икки қаватли маъмурий бино ва иншоотлар"и бўйича закатал пули ТИФ "Ўзмиллийбанк" Тошкент вилоти бўлимининг 28.10.2019 йилдаги АА-02/4479-сонли хатига асосан 15 фоиздан 5 фоизга камайтирилганлигини маълум қиламиз. Манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Ҳ. Олимжон кўчаси, 13А-уй. Тел.: 998-580-112, e-mail: info@primerealty.uz, www.primerealty.uz.

Лицензия рақами RR 028.

«БОЛАЛАР ШАҲАРЧАСИ»НИНГ ЭРКАНПОЙЛАРИ



Мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, болаларнинг интеллектуал, маънавий, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, уларнинг мактабга тайёргарлик даражасини ошириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2016 йил 29 декабрдаги "2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим кўмак бўлди.

□ Мактабгача таълим

Чирчиқ шаҳридаги "Болалар шаҳарчаси" мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари кичкинтойлар учун

қулай тарбия муҳити яратиш учун барча имкониятларни ишга солишмоқдалар. Муассаса замонавий ускуналар,

ўқув қўлланмалари ва мультимедиа воситалари билан тўлиқ жиҳозланган. Ҳар бир гуруҳда мўъжазгина кутубхона бор, унда қизиқарли расмлар ва эртақлар акс этган турли хил китоблар мавжуд. Болалар боғчаси ҳудуди эртақ қаҳрамонлари ҳайкалчалари билан безатилган.

Болаларни мактабга тайёрлаш учун ўқув ва очик ўйинлар ўтказиш бўйича комплекс режа тузилган, дейди муассаса мудираси Дилобар Атаева. — Ходимларимиз ҳар бир бола би-

лан алоҳида шугулланишади. Математика, ўқиш, мантик, бадий терапия ва дизайн, амалий санъат, хореография, вокал, бадий гимнастика, таэквондо, инглиз тили ва расм дарслари олиб борилади.

Боғча ҳудудидаги бассейндаги сув муолажалари орқали болаларнинг жисмоний ривожланиши яхшиланади. Шунингдек, муассасада уларнинг овқатланиши

учун витаминларга бой маҳсулотлардан таомлар тайёрланмоқда. Ошпазлар санитария меъёрларига қатъий риоя қилишади. Гўшт ва сут маҳсулотлари, сабзавот ва мевалар алоҳида сақланади. Бунинг учун музлаткичлар етарли.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири
Аброр ЭСОНОВ
олган суратлар



Пискент туманининг "Култепа" маҳалласи ҳудудида афғонистонлик инвесторлар томонидан ташкил этилган "Турон бизнес лимитед" МЧЖда шифобахш ўсимлик — заъфарон етиштирилмоқда.

□ Яхши хабар

ЗАЪФАРОН ҚИЙҒОС ГУМЛАДИ

Заъфарон ўрта асрлардан бери баҳоси ва қадри тушмай келаётган ягона зирвордир. Ўрта асрларда бир қадоқ (450 грамм) заъфаронни зотли араб чопқир отига айирбошлаш мумкин бўлган.

Ҳозирги даврда заъфарон ўзининг азалий аҳамиятини йўқотиб, асосан пазандалиқда ишлатилади ва олтин билан тенг баҳоланади. Ер юзиде бугунги кунда йилгига фақат уч юз тонна заъфарон етиштирилади.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, туман ҳокимияти қарори билан мазкур лойиҳа учун ўтган йили 14,95 гектар ер ажратилган бўлиб, таъриба тариқасида 3 гектар майдонга қимматбаҳо гул уруғлиги экилган эди.

Жорий йилнинг айна чилласи — июнь ойида қадалган ниҳоллар ҳозир қийғос гулга кирди. МЧЖ раҳбарининг таъкидлашича, беш ой илгари қадалган уруғларнинг бунчалик тез гуллашини ўзлари ҳам кутишмаган экан. Демак, ўсимлик юртимизнинг серқуёш иқлим шароитига осон мослашган.

Маълумот ўрнида: лойиҳани амалга ошириш учун умумий қиймати 1 млн. 400 минг АҚШ доллари миқдорида тўғридан тўғри хорижий инвестиция жалб этилган. Лойиҳа тўлиқ қувват билан ишга тушган, 40 та доимий, 200 та мавсумий иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Пискент тумани ҳокимлиги
Ахборот хизмати



Миллий истиқлолимиз даракчиси ва қалдирғочи бўлган бу Қонуннинг серфайз баракаси ва таъсири республикаимиз сиёсий, маънавий ва маданий ҳаётининг барча жабҳаларида сезиларли, шу билан бирга, миллий тилшунослигимизнинг янгилиниши ва бугун бутун жаҳонга машхуру маъруф бўлишида аҳамияти тенгсиз. Рус тилшунослигига тақлидан эргашиш, тил қурилиши талқинида ўзбек тили қурилишини мумкин қадар кўпроқ рус тили хусусиятларига мослаштириб баён этиш қўлиги ва бўйинтуруғидан бу муборак Қонун шарофати билан озод бўлган ўзбек фани ўз она тили тизимини тафаккур ва табиғатга хосу мос талқин қилиш йўлига ўтди.

Назарий тилшунослиқда ўзга тиллар асосидаги талқинлардан чекиниб, ўз тилининг тафаккурини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири сифатида миллат руҳининг ички имкониятларини очибга қаратилган ўзбек субстанциал тилшунослиги шаклланди, ривожланди, таълим тизимига жорий этилди. Она тили таълими таълим олувчиларда ижодий тафаккур қўникмаларини шакллантиришнинг, миллий мафқуранинг сингдиришнинг, миллий қадриятлар тараннумининг, ўзликни англаш ва уни намоён қилишнинг энг муҳим воситаларидан бирига айланди.

Аминиски, қадами кутлуг бўлган бу Қонуннинг бундай пурсамар таъсири, ранг-баранг ширин мевалари йилдан-йилга оша боради. Бироқ, бу борада қатор муаммолар ҳам пайдо бўлди. Президентимизнинг байрам тантаналаридаги маърузаси, давлат тилини такомиллаштириш ва унинг қўлланиш самарадорлигини оширишга бағишланган фармони олдимизга бу муаммоларни ҳал этиш доирасида улкан вазифа-

ларни қўймоқда. Улардан айримларини санаб ўтаемиз. Бундай тилшуносликнинг олдида тилдан фойдаланиш, тилни "ишлатиш" масаласи турибди. У бу масалани четлаб ўтиб, ҳануз

лингвистика, санъат лингвистикаси, диний нутқ лингвистикаси, ортология ва ҳ.к. Ҳар бир соҳа бўйича луғатчилик лингвистик асосда тараққий этиши лозим. Лингвистика билан уларнинг ҳамкорлиги

қаратилган, келажакка эмас). Хуллас, қанча фан соҳаси бўлса, шунча лингвистик йўналиш, соҳавий луғатшунослик, терминшуносликлар шаклланиши лозим.

Энди ўзимизнинг "Она тили" миз-

Она тили предмети тўла-тўқис тилшунослик фанига айланиб бўлди. Ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам, ота-оналар ҳам она тили таълими деганда тилшунослик қондаларини ёдлаш ва уларга доир

қила олмайдиган бўлиб қолди. Биринчи планда туриши керак бўлган оғзаки ва ёзма нутқ бўйича саводхонлик, нутқ ва мулоқот маданияти, бой сўз захираси, нотиклик энг охириги ўринларга тушиб кетди. Ўқувчиларнинг қўлида ўқув луғатларининг йўқлиги, ҳатто тузуқ-қуруқ имло луғатининг мавжуд эмаслиги, она тили дарсларида луғат дафтарлари юритилмаслиги — бунинг инкор қилиб бўлмайдиган далили. Ҳатто, иншо ёзишни ўргатадиган технология ҳам, манба ҳам йўқ. Ҳар қандай ўқитувчи иншо мавзусини бериш, шаблон режа тузиш ва эпиграф танлашдан бошқа тавсия бера олмайди. Ўқувчиларда матн яратиш қўникма ва малакаси мутлақо шаклланмасдан қолаётти. Айрим иқтидорли болалар ўқиган матнларига тақлид қилиб, муस्ताқил равишда ёзма нутқларини такомиллаштирадилар, холос.

Бундай она тили таълими болаларни, ўзимизни, жамиятни алдандан бошқа нарсаси эмас! Уни тубдан ислоҳ қилмас эканмиз, бу алдов яна кўп йиллар давом этади.

Биз давр олдимизга қўётган айрим масалалар хусусида фикр юритдик. Муаммоларни санаш осон. Мухими, уларнинг ечимига доир тақлифлар бериш ва тавсиялар ишлаб чиқиш. Бу соҳа мутахассисларидан нафақат фидойиликни, балки давлат хазинасидан олаётган маошини фойдали илмий тадқиқотларга сарфлаб, увол қилмаслигини ҳам талаб қилади. Бунинг учун илмга эътиқод, миллатга садоқат, тилга ва Ватанга муҳаббат юксалиши лозим.

Бахтиёр МЕНГЛИЕВ,
Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети профессори

ТИЛГА ҲУРМАТ — МИЛЛАТГА САДОҚАТ, ВАТАНГА МУҲАББАТ

ўрганиб бўлинган объектини яна қавлаштириш билан, бошқача айтганда, ўтиб кетган давр муаммолари билан банд бўлиб ётибди. Бундай тилшуносликнинг ҳеч қандай кераги йўқ. Ана шу "жонсиз" тилшунослик бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар, она тилининг "жонсиз" таълими давлат учун ҳеч қандай ижтимоий самара бермайдиган ортиқча юк. Бу юкдан тамомила воз кечиш вақти чорак аср олдин келган эди. Воз кечолмаётганимиз учун ҳам филология кераксиз, ҳатто "зарарли" соҳа бўлиб қолаётгани баробарида мавжуд она тили таълими эса ёшларга ҳеч нарсаси бермаётти. У тузуқ-қуруқ савод чиқариш вази-фасини ҳам бажара олмаяпти. Ахир, қўлида ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва фойдаланишга тавсия этилган имло луғати бўлмаган (бошқа луғатларниқу қўйиб турайлик) ўқувчининг саводхонлиги ҳақида яна қандай гап бўлиши мумкин?

Янги даврда тилшунослик бошқа соҳаларга кўмакчи бўлиб қолиши керак. Математик лингвистика, биологик лингвистика, физик лингвистика, тиббий лингвистика, компьютер лингвистикаси, психологик лингвистика, таълимий

зарур. Соҳавий терминологиянинг илмий ва оммабоп вариантлари фарқланиши керак.

Соҳавий илмий ва оммабоп матн фарқланиши, илмий тадқиқ қилиниб, лингвистик тавсиялар ишлаб чиқи-лиши зарур. Талабгор, боринги, 100 та замонавий соҳавий терминнинг одамшаванда вариантини асослаб, қўллашга тавсия этганилиги учун ил-мий даража олсин. Бу биттагина диссертация ҳозирги ўнлаб ижтимоий фойдасиз, "фан — фан учун", "диссертация илмий даражалар учун" тамойили асосида ҳимоя қили-наётган тавсифий характердаги тадқиқотлардан фойдаланарқ.

Энди тавсифий тилшунослик ўз ўрнини соҳавий тавсифий тилшу-нослик йўналишларига бўшапти бе-риши лозим. Масалан, бирор асарда қўлланган сўзларни тавсифий тадқиқ қилиш ўрнига унинг луғати-ни тузиб қўйиш зарурроқ ва фой-далироқ эмасми? Тадқиқотлар ил-мий даража учун бўлиб қолмасли-ги керак. Аслида терминшунослик каби луғатшунослик ҳам тилшуно-сликнинг энг самарадор соҳаси. Аммо, тавсифий луғатшунослик бизда йўқ ҳисоби (луғатшунослик бўйича ўқув фанлари ҳам ўтмишга

га келайлик. Она тили таълимининг аҳволи қан-дай? Боши ҳам, адоги ҳам йўқ, бунинг устига дарсликдан дарсликка ўтиш, синфдан синфга кўчиш билан ўзгариб ту-радиган сон-саноқсиз илмий (лингвистик) қоидаларни ёдлатамиз. Матннинг, берилган гап-ларнинг авра-астарини чиқариб, ипидан игна-сигача таҳлил қилдира-миз. Бироқ, бу "билим"-лар оғзаки ва ёзма нут-қимизга қай даражада таъсир қи-риши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Болаларимизнинг нутқи қандай? Тугилади, дудуқланади. "Анақа", "халиги", "нима десамикин", "ўша-де" кабиларни ҳар икки сўз ора-сида гуё "боғлама" сифатида қўллади ва бундан хижолат ҳам бўлмайди. Аризани қойиллатиб ёзиб, фикрини лўнда ва аниқ ту-шунтириб бера олмайди. Давраларда микрофон тутқазиб қолишса қочиб, таъзияларда марҳумнинг яқинларига "бандалик" ифодаси-дан бошқа бирор сўзни ёлчитиб айтолмайди. Биз, ўқитувчилар эса унли товушининг тил олди ва тил орқалиги, лабланган-лабланмаган-лиги, қуйи кенг, ўрта кенг, юқори торлиги, тил ундошининг лаб-лаб, лаб-тиш, тил олди, тил ёни, тил ўрта, тил орқа товушининг яқин тил орқа, чуқур тил орқалиги ҳақидаги билим шахсининг тилдан фойда-ланиш малакасини қандай ва қанчалик таъминлаши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз.



машқ ва топшириқларни бажаришдан бошқа нарсани тасаввур

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ	Манзиллими: 111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90. Тошкент шаҳридаги офисимиз: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.	Қабулхона: Бош муҳаррир ўринбосари: Масъул котиб: Бўлим муҳаррирлари: Эълолар ва ҳисоб-китоб бўлими: Электрон почта: toshkenthqiqati@mail.uz / th-tp@inbox.ru	Телефонлар: (71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс) (71) 233-70-10 (71) 233-90-82 (71) 233-38-23, (71) 233-48-08 (71) 233-65-59, (71) 233-54-10	Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терили ва Тоҳир Маҳмудўжаев томонидан саҳифаланган.	Навбатчи муҳаррир Кумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА Назоратчи мусоҳҳа Аллома АЗИЗОВА Навбатчи Маъмуржон ҚИЕВОВ
---	--	---	---	---	--	---

Буюртма Г-1043. Баҳоси келишилган нархда. Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. 3 332 нусхада чоп этилди. ISSN 2010-9318.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюқ Турон кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 21.40. 1 2 3 4 5 6